

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВ БАХТИЁР МАДАМИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Ҳасанов Бахтиёр Мадаминович

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва
ривожланишида оммавий ахборот воситалари фаолиятини
такмиллаштириш 3

Ҳасанов Бахтияр Мадаминович

Совершенствование роли средств массовой информации в
формировании и развитии гражданского общества в Узбекистане 17

Khasanov Bakhtiyor Madaminovich

Improving Improvement of the activity of mass media in the formati
on and development of civil society in Uzbekistan) 31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 35

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВ БАХТИЁР МАДАМИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Siyos11 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (sf - ik.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Норматов Карим Норматович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
социология фанлари доктори, профессор

Муҳаммадиев Улугбек Насриддинович
сиёсий фанлар номзоди

Етақчи ташкилот:

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети биноси, 1-қават, 110-хона.Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Ташанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.д.

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобал ахборот макони шароитида фуқаролик жамиятини ривожлантириш тенденциялари янги жиҳатларга эга бўлиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари замонавий ахборот маконидан оқилона фойдалангандагина ўз фаолиятини самарали тарзда амалга ошириш учун чекланмаган имкониятларга эга бўлади. Ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари янгиликларни етказиб бериш билан чекланиб қолмайди, балки жамиятда жадал равишда кечаётган жараёнларнинг ўзига хос кўзгуси, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш ташаббусларини рағбатлантиришнинг таъсирчан омилига айланади.

Дунё тажрибасида фуқаролик жамиятининг муваффақиятли фаолияти мамлакат демократик ривожланишининг муҳим мезони ҳисобланади. Бунда ОАВнинг кучли фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг эркинлик даражаси демократия ривожининг даражаси билан бевосита боғлиқ, деб қаралади. Шу сабабли сўз ва виждон эркинлиги ҳамда ахборотдан эркин фойдаланиш имконияти фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири сифатида масс-медиа фаолиятини назарда тутувчи демократик жамиятнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Шу сабабли фуқаролик жамияти оммавий ахборот воситаларида сўз эркинлигини чеклаш, цензурани қўллаш билан доим курашиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, илмий жамоатчилик томонидан оммавий ахборот воситалари билан фуқаролик жамияти ўртасидаги диалектик ва амалий ҳамкорлик усуллари ва технологияларининг ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёни демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини янги даражага олиб чиқишнинг янги босқичи сифатида баҳоланмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси танланган йўлни рўёбга чиқариш дастурига айланди¹. Унда жамоатчилик назорати механизмларини амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш зарурлиги аниқ қайд этилди. Бу фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишида оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш масалаларини алоҳида тадқиқот сифатида ўрганишни тақозо қилади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (1997), «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги (2002), «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги (2014) қонунлари ҳамда Президентнинг ПФ-5148-сонли «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида» (2017) ва ПФ-5430-сонли «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш тўғрисида»(2018) фармонлари ҳамда «Журналистика ва

¹ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Фармони. 2017 йил 7 февраль. <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/231>.

оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (2018), шунингдек ушбу соҳа бўйича қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланиши дастурининг «I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий, маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов асарларидаги баён қилинган фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, ОАВнинг роли тўғрисидаги концептуал ғоялар², Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ҳамда мамлакатимиз изчил ривожининг янги босқичини бошлаб берган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси³, унинг фармонлари ва қарорлари, нутқлари ва маърузалари ушбу тадқиқотнинг илмий-методик асоси бўлиб хизмат қилди.

Фуқаролик жамияти ғояси муаммолари, шунингдек одамлар орасидаги мулоқот феномени ҳамда ахборот алмашуви масалалари қадимги Юнонистон даврларидан бошлаб ўрганилган. Ахборот ва унинг ижтимоий ривожланиши ҳамда сиёсий бошқарувдаги роли муаммолари билан Афлотун, Арасту, Цицерон ва Абу Райҳон Беруний каби буюк алломалар шуғулланишган. Адолатли жамият ҳақида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа улуғ мутафаккирлар ўз фикрларини ифода қилишган. Ахборотнинг жамият билан манипуляция қилишдаги ролини ўрганиш масаласига йирик олим Н.Макиавелли катта ҳисса қўшган. Ҳокимият ва фуқаролик жамияти асослари мавзуси Г.Гегель, Т.Гоббс, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, Абу Наср Форобийларнинг мумтоз асарларида тадқиқ этилган.

Ҳозирги пайтда фуқаролик жамияти тараққиёти муаммолари ва ОАВ роли бўйича таниқли хориж олимлари: А.Балашова, А.Загумёнов, Я.Засурский, И.Мелюхин, Т.Науменко, К.Платонова, Е.Прохоров ва бошқаларнинг назарий фикрлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

Демократик ислохотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамияти қурилиши масалалари, ОАВни эркинлаштиришнинг сиёсий асосларини такомиллаштириш мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан турли нуқтаи назардан ўрганилмоқда. Улардан: Ҳ.Бобоев, Х.Дўстмуҳамедов, Ш.Жалилов, Н.Жўраев, С.Жўраев, Р.Жумаев, О.Жумаев, З.Исломов, М.Қирғизбоев, А.Муминов, Ш.Пахрутдинов, А.Саидов, М.Шарифхўжаев, Ф.Мусаев, Қ.Назаров,

² Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. <http://president.uz/ru/lists/view/1371>; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

К.Норматов, О.Ў.Абдуазимов, Р.Фармонов, Д.Хабибуллаева, И.Эргашев, Ш.Эргашев ва бошқа олимлар, тадқиқотчиларнинг изланишларини кўрсатиш мумкин⁴.

Диссертациялар ва нашр этилган мақолалар асосан мустақил давлатнинг қарор топиши ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига бағишланган. Хусусан, О.Абдуазимов, Н.Жўраев, Б.Иминов, М.Қирғизбоев, И.Абдуллаев, А.Муминовларнинг диссертацияларида тадқиқ қилинаётган мавзуга доир масалаларнинг айрим жиҳатлари талқин этилган. Ушбу ишлар фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек бу жараёнда ОАВ роли алоҳида тадқиқ этишга қаратилган. Аммо, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли, уларнинг ўзаро ҳамкорлик механизмлари каби масалалар илмий тадқиқотларда лозим даражада акс эттирилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур тадқиқотда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишида ОАВ фаолиятини ахборот маконининг глобаллашув шароитларида такомиллаштириш масалаларини тизимли таҳлил қилишга асосий эътибор берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишида оммавий ахборот воситалари ўрнини белгилаш, илмий ёндашув назарияларини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан умумлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятининг муҳим институти оммавий ахборот воситаларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«фуқаролик жамияти» феноменининг моҳияти тўғрисидаги илмий тасаввурларнинг генезиси ҳамда ушбу тасаввурларнинг ОАВда акс этишини кўриб чиқиш;

жамият ҳаётидаги барча соҳаларга катта таъсир кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг социумдаги ўрни ва ролини ўзгартираётган глобал ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши муаммоларини очиб бериш;

ОАВнинг функционал имкониятлари ва ҳақиқий ролининг фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришдаги ўзаро боғлиқлигини асослаш;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини таҳлил қилиш асосида ОАВнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги фаолияти самарадорлигини оширишнинг инновацион йўналишлари ҳамда Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва прогрессив хусусиятдаги тараққиётга бўлган таъсирини аниқлаш;

ўрганилаётган масалалар юзасидан тегишли хулосаларга келиш ҳамда илмий-амалий аҳамият касб этган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш назарда

⁴ Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

тутилган.

Тадқиқотнинг объекти ҳокимият ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимида ОАВ, шахс, фуқаролик жамияти ва давлат ҳамкорлигининг юзага келиши моҳияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини ОАВнинг фуқаролик жамияти ривожланишига, шунингдек фуқаролик жамиятининг барча институтлари фаолиятини такомиллаштиришга таъсир механизмлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, тарихийлик ва тизимлилик, қиёсий таҳлил ва кузатув каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

модернизация шароитида сифатли янги контент яратишга қаратилган жамоатчилик онгини шакллантирувчи ижтимоий институт сифатидаги масс-медиа тизимида онлайн ахборот узатиш, муҳим воқеалар ривожланишини ёритиш ҳамда экспресс савол-жавоб, сўровнома услублари ишлаб чиқилди;

фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ ҳамкорлигини оптималлаштиришда замонавий технологияларни қўллаш, ҳамкорлик меморандумлари тузиш, жамоатчилик назоратида PR-технологияларни жорий қилиш каби инновацион механизмлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг ҳозирги туб бурилиш палласида сифат жиҳатидан ОАВнинг янги аудиториясини шакллантиришда интернет ва оммабоп ижтимоий тармоқларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишни кўзда тутувчи масс-медиянинг замон стандартларига мос йўналишлари қўлланилди;

давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқотини йўлга қўйишда ОАВ фаолиятини такомиллаштириш бўйича тескари алоқа таъсири, диспут-клублар, видео-кўприкларни ташкил этишда фойдаланиш каби назарий ва амалий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар, яъни ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган туб ислохотлар шароитида мамлакатнинг янги босқич тараққиётини белгиловчи Ўзбекистон ОАВнинг такомиллашган замонавий механизмлари (ахборотни излаш ва пухта ишлаш, фаол блогерлар материаллари ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотлардан фойдаланиш, талаб этилган янгиликларни тезликда босқичма-босқич етказиб бериш усуллари) ишлаб чиқилган;

ОАВ иштирокида жамоатчилик фикрини шакллантириш механизми таҳлил этилиб, назарий-методик омиллари аниқланган, шунингдек ўқув жараёнида қўлланиш имкониятлари тавсия қилинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатига кирувчи махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларида чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг диссертацияга мослиги ҳамда сиёсий фанда назария ва усулларининг асосли равишда қўлланилиши ва амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишнинг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоя ва хулосалар фуқаролик жамияти, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, миллий истиқлол ғояси, сиёсий тарих, социология, ижтимоий сиёсат ва бошқа фанлар бўйича методик йўналишларини такомиллаштириш ҳамда тадқиқотлар олиб боришда тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти ва ОАВ ривожлантириш бўйича меъёрий, сиёсий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ҳамда масс-медиа фаолияти самарадорлигини ошириш ишида фойдаланиш, шунингдек ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини юксалтиришга хизмат қилишда ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамиятни модернизациялаш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида: тадқиқотда келтирилган хулоса ва тавсиялар Ўзбекистон МТРКнинг етакчи телеканаллари томонидан модернизация жараёнлари кечаётган бир даврда давлат сиёсатининг инновацион йўналишига жамоатчилик эътиборини самарали тарзда жалб этиш, сифат жиҳатидан мутлақо янги контентни яратиш бўйича ўз ўрнида ва муваффақиятли қўлланилди (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 12 сентябрдаги 01-20/3814-сонли маълумотномаси). Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, фуқароларнинг демократик фикрлаш даражасини ошириш, уларни янги даврдаги ўзгаришларда фаол иштирок этишга жалб этиш жараёнларидаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида тадқиқотнинг II бобида акс этган таклифлардан «Халқ билан юзма-юз», «Муаммо ва ечим», «Ноёб институт», «Очиқ мулоқот», «Тадбиркорлик – қонун ҳимоясида» ва шу каби бошқа кўрсатувларни тайёрлашда кенг фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқотда илгари сурилган ўзини ўзи бошқариш институтлари ва ОАВ ҳамкорлигини оптималлаштиришга оид инновацион механизм ва ғоялар асосида маҳалла институтининг жамиятда юксак маънавий қадриятларни қарор топтириш, миллий урф-одат ва анъаналарга ҳурмат билан авайлаб муносабатда бўлиш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни асраш ҳамда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини очиб берувчи «Осуда ҳаёт», «Жамият ва ҳуқуқ», «Қадр топган қадриятлар» ва «Маҳалла минбари» каби долзарб кўрсатувлари жорий этилди;

ОАВ сиёсатини замонавий талабларга жавоб бериш, самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамиятининг ривожланишдаги фаолиятини такомиллаштиришга оид берилган тавсия ва таклифлардан «Uzbekistan Today» ва «Ўзбекистон овози» таҳририятлари самарали тарзда фойдаланган. Мазкур таклифлар ушбу нашрларни нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритишда, улар билан ҳамкорлик ҳамда мулоқотни мустаҳкамлашда самарали майдон яратишга хизмат қилган. Натижада ушбу мавзуда катор долзарб мақолалар чоп этилди ва газеталарнинг ўқувчилар сони кўпайди («Uzbekistan Today» таҳририятининг, 2016 й., 3 ноябрь, № 881 – сонли ва «Ўзбекистон

овози» таҳририятининг 2017 й., 3 ноябрь, № 238 – сон маълумотномалари);

Тадқиқотнинг хулосалари ва унинг асосида ишлаб чиқилган тавсиялар фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштиришнинг амалий масалаларини ишлаб чиқишда фойдаланилди (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти 2018 йил 17 сентябрдаги 04/403-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар асосида оммавий ахборот воситалари журналистлари учун институт 2016 йилда семинар-тренинглари ўтказди. Тадқиқотнинг натижалари, шунингдек институт томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ўтказган сиёсий партияларнинг Марказий аппарати ва партия газеталари ходимлари учун семинар-тренингни ишлаб чиқишда фойдаланилди. Натижада партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Электрон ОАВнинг турларидан бири сифатидаги ижтимоий тармоқларнинг роли тўғрисидаги хулосалар ва тавсиялар жамиятда ўз тарафдорлари сонини кенгайтириш мақсадида ижтимоий тармоқлардан сиёсий партияларнинг фойдаланиши масалалари бўйича институт томонидан таҳлилий материаллар тайёрлашда ўзининг амалий қўлланилишини топди. Партиялар томонидан Facebook тармоғи ва бошқа оммабоп ижтимоий тармоқлардан фаол фойданишларининг сезиларли равишда ўсгани ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсиялардан фойдаланишнинг амалий натижаларидан бири бўлиб қолди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмун-моҳияти 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (9 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари Ўзбекистон илм-фани ва технологиялар ҳамда инновацион тараққиётнинг устувор йўналишларига мослиги белгиланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлигига асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, илмий янгилиги ва амалий жиҳатлари баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мазкур ишни апробация синовидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар

келтирилган.

Диссертациянинг «**Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамиятидаги ўрни ва ролини тадқиқ этишнинг назарий ва методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида оммавий ахборот воситалари тамойилларининг тушунчаси, моҳияти, таркиби ва функциялари ҳамда тадқиқот иши назарий ва методологик жиҳатдан тизимлаштирилган, илмий-танқидий таҳлил қилинган.

Ушбу бобда ОАВнинг назарий-методологик асослари ўрганиб чиқилган. Маълумки, оммавий ахборот воситалари кенг аудиторияга белгиланган тартибда турли оммабоп маълумотларни очиқ тарзда етказиш учун ташкил этилган муассасадир. Унинг қуйидагича фарқ қиладиган белгилари мавжуд: махсус техник асбоблар ва аппаратлар борлиги; тўғридан-тўғри, аммо бирор макон ёхуд муайян вақтда ажратилган коммуникацион шерикларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда уларнинг бир томонга йўналтирилганлиги ва ролининг ўзгариши мумкин эмаслиги, у ёки бу теле-радио эшиттириш ёхуд Интернетдаги мақолага бўлган умумий эътибор натижасида шаклланадиган доимий бўлмаган, бироқ дисперсив тусдаги аудитория назарда тутилади.

Илмий-танқидий таҳлил натижасига кўра, ахборот ва ижтимоий ахборотлашувнинг умумий назарий қоидалари, ахборотлашган жамият ҳамда ОАВ назарияси ва амалиёти қоидалари ўзига хос эътиборни талаб қилади. Ҳозирги замон иқтисодиёти - глобаллашув даври, яъни сиёсатни маҳаллийлаштириш давридир. Дарвоқе, шу боис ҳам сиёсий ва ахборот жараёнлари ҳамда сиёсатнинг интеграциялашганлигини қайд этиш зарур.

Ўзбекистонда бошқа демократик мамлакатлардаги каби оммавий ахборот воситаларига, айниқса сўнгги пайтда одамдан одамга ёки оммага маълумотларни узатишни амалга оширадиган мулоқот воситаси сифатида эмас, балки давлат, жамият ва шахс манфаатларини ҳимоя қилувчи демократия институти сифатида қаралади. Бу эса ОАВ эркинлаштиришга бўлган талаблар ҳамда фуқаролик жамиятининг муҳим институти эканлигини ҳисобга олишни тақозо этади. Бундай эътибор, биринчи навбатда фикр ва эътиқодларни эркин ифода этиш, сиёсий ва мафкуравий кўп фикрлик, сўз ва тафаккур эркинлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кафолатланган бошқа ижтимоий қадриятларни қўшимча тарзда қўллаб-қувватлаш зарурлиги билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, оммавий ахборот воситалари асосларини такомиллаштириш фуқаролик жамиятининг қарор топиши ҳамда демократик давлат қурилиши йўлида муҳим ҳалқа ҳисобланади. Бу йўлда фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаолиятини бошқа турлар билан солиштирганда махсус ахборот алмашиш воситалари, унинг субъектлари ўртасида доимий алоқаларни ўрнатиш ва сақлашга эҳтиёж сезилади. Уларни қуйидаги хусусиятлар бошқалардан ажратиш туради: оммавий ошкоралик ва шаффофлик, яъни истеъмолчиларнинг чекланмаганлиги ҳисобга олинади.

Эндиликда ОАВ фақат ахборот берувчи, ходиса ва воқеаларни қайд этувчи сифатида фаолият кўрсатиш билан чекланмаётир. Демак, биринчи ўринга танқидий таҳлил этиш, баҳолаш мезони, жамиятдаги муҳим тенденцияларни очиқ бериш кабиларни айтиш мумкин. Айни пайтда ҳам ижобий, ҳам салбий

йўналишларни ифода қиладиган анъанавий ОАВ (телерадио, газета, журналлар) ва янги интернет-нашрларнинг борлигини қайд қилиш лозим.

Ҳозирги пайтда юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: босма (газета, журналлар), электрон (телевидение, радио) ва шиддат билан ривожланаётган Интернет-нашрлар. Тадқиқот доирасида юқорида қайд этилган гуруҳларнинг ривожланиш тенденциялари батафсил ишлаб чиқилди. Ахборотни тарқатишнинг энг тезкор усули янги сегмент Интернет-журналистикани ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатдаги мавжуд оммавий ахборот воситалари веб-сайтларининг фаолияти ҳамда Интернет-нашрларининг очиклиги бунинг ёркин исботидир. Тадқиқотда интернет-журналистиканинг ўзига хос тури сифатида медиа-блогларнинг самарадорлигини баҳолаш тақдим этилган. Бугунги кунда Интернетда оммавий ахборот воситалари билан таққосланиши мумкин бўлган блоглар яратилмоқда. Ўз функциялари билан ОАВ жуда яқин бўлган блоглар асосан медиа-блог деб ҳисобланади. УзНЕТда ҳам жанри ва тури бўйича ҳар хил блогларни учратиш мумкин. Улар борган сари машҳур бўлиб бормоқда.

Диссертациянинг **«Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятида муҳим институт сифатида: ўзаро ҳамкорлиги ҳамда таъсири»** деб аталган иккинчи бобида ахборот соҳасининг қарор топиши ва ривожланиши, шунингдек мамлакатда демократик ўзгаришлар жараёнида ОАВларининг ислоҳ қилиниши ҳамда уларнинг истиқболи тадқиқ этилган. Ишда амалга оширилган таҳлил натижасида мустақиллик йилларида кенг ва етарли даражада мустаҳкам миллий қонунчилик базаси яратилганлиги таъминланади. Жумладан, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа фаолиятини ривожлантириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида 10 дан зиёд қонун ҳамда 150 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистонда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юксак илмий ва амалий аҳамиятга молик эканлиги қайд этилмоқда.

Бу база фақат давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш билан чекланмай, балки фуқаролик институтлари фаолияти учун барча имкониятларни очиб беради. Ўз навбатида ахборот соҳасининг изчил қарор топиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этишга кўмаклашади.

ОАВнинг ижтимоий-сиёсий эркинлиги, яъни иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг изчил яратилиши, уларнинг мамлакат ривожига ролини янада мустаҳкамлаш, оқилона амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг, янги Ўзбекистон жамиятини қуриш йўлида эришилаётган муваффақиятларнинг моҳияти ва аҳамиятини зудлик билан халққа ҳар томонлама етказишга хизмат қилади.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, ҳозирги кунда республикамизда 1500

дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг сони янада кўпайиб бормоқда. ОАВ таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Хусусан, мамлакатимизда телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг 85 фоизи, Интернет-нашрларнинг 95 фоизидан зиёди нодавлат оммавий ахборот воситасидир. Ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан масс-медиа янгилашни жараёнини тинимсиз равишда бошидан кечириб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугун масс-медиа омили (спектори) кўплаб функцияларни бажаради: ахборот узатади, эълонлар била таъминлайди, ҳордиқ чиқаришга кўмаклашади. Булар эса фуқаролик жамияти ва жамоатчилик онги эволюциясини шакллантириш ва фаолият кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Бу билан мамлакат ва жаҳонда содир этилаётган муҳим воқеа ва ҳодисаларга ОАВ муносабати ҳамда умуман жамиятда ҳам ўзига хослиги белгиланади. Бу эса сиёсатнинг медиаллашуви ва медиа-сиёсий тизимнинг шаклланиши тўғрисида диссертант учун сўз юритиш имконини яратади.

Масс-медиа фақат ахборот бериб қолмасдан, балки ижтимоий-маърифий функцияни ҳам бажаради. ОАВ эркинлаштириш жараёнларида сиёсий коммуникациянинг асосий воситасига айланади. Демак, у фуқаролик жамияти институтларининг фаол ташкилоти сифатида унинг тараққийётига катта таъсир кўрсатади. Айни пайтда фуқаролик жамиятининг ўзига хос таъсири эса ОАВ эволюциясини ташкил этади.

Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи мамлакатларида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши борасида тўпланган илғор тажрибаларнинг йўналишларини фаол ҳамда амалиёт нуқтаи назаридан ўрганмоқда. Албатта, бундай пайтда мамлакатда танланган тараққийёт модели хусусиятлари, ўзида мужассам этган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий омили, шунингдек тарихий, маънавий-маданий, демографик жиҳатлари ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, иккинчи бобда оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва истиқболли тенденциялари мустақиллик йилларида мамлакатда ОАВ ижтимоий-сиёсий эркинлигининг иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлари яратилганлиги таҳлил қилиниб, уларнинг миллий тараққийёт ҳамда фуқаролик жамиятининг янада ривожланишида катта роль ўйнаганлигини қайд қилиш мумкин. Изчил амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотлар ҳамда фуқаролик жамияти қуриш йўлида эришилаётган ютуқлар моҳияти ва аҳамиятини тезкор ҳамда ҳар тамонлама оммага етказиш бўйича ОАВ улкан вазифаларни бажармоқда.

Диссертациянинг **«Оммавий ахборот воситалари мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланиши суръатларини жадаллаштиришнинг сиёсий омили»** деб номланган учинчи бобида фуқаролик жамияти институтларини янада фаоллаштириш ва юксалтиришнинг бош катализатори ҳамда демократик ривожланиш суръатларини жадаллаштиришни ҳаракатга келтирувчи омил сифатида фуқароларнинг сиёсий эркинлиги ва ҳуқуқлари тадқиқ этилиб, таҳлил қилинган. Амалга оширилган тадқиқот доирасида фуқаролик жамиятининг қарор топиши ва янада ривожланишининг барча босқичларида ОАВ фаоллиги ҳамда таъсирчанлигини ўрганиш вазифаси нафақат долзарб бўлмай, балки демократик ҳуқуқий давлат барпо қилишнинг

асоси бўлиб ҳисобланади. Яна қайд этиш жоизки, ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларига фақат ахборот манбаи сифатида қаралмайди, балки мазкур институт одамлар онгига таъсир этиши ва жамиятда юксак маънавий ахлоқ ҳамда намуна бўладиган хулқ-атворни шакллантириш омили сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шунга кўра, жамоатчилик онги билан манипуляция қилиш хавфи мавжудлиги ҳамда улардан у ёки бу гуруҳлар манфаати йўлида фойдаланиш мумкинлигини инкор этиб бўлмайди.

Ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган 9200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда демократик кадриятларни ҳимоя қилиш борасида ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда. Сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётда фуқаролик жамияти институтлари, энг аввало ОАВ давлат тузилмаларининг ижтимоий кўмакчиси сифатида адолатни таъминлаш борасида ўз ҳиссасини қўшиши лозим. ОАВ бутун аҳоли манфаатларини ифода этишга, ўз фаолиятини миллий ва умуминсоний тамойиллар асосида фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратади.

Мазкур бобдаги таҳлилга кўра, ахборот эркинлигини таъминламасдан туриб, одамларнинг ўз фикри ва ғояларини, рўй бераётган воқеаларга нисбатан ўз нуқтаи назарини, позицияси ва муносабатларини билдириши, демократияни янада чуқурроқ идрок этишда аҳоли сиёсий фаоллиги ҳамда сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги реал иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди. Ахборот олиш эркинлиги ҳамда инновацион ғояларни тарқатиш каби ҳуқуқларни амалга оширишда ОАВ фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлаши демократик жамият куриш асосларининг тамал тошидир.

Ўзбекистонда масс-медиа тараққиётига кўпроқ ҳуқуқ ва имкониятлар берилмоқда, шу билан бирга, табиийки ОАВ зиммасига катта масъулият ҳам юкланмоқда. Шунинг учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида қайд қилди: «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз».⁵

Шу муносабат билан ОАВ томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун устуворлигининг амалга оширилишида шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ижтимоий адолатни қарор топтириш бўйича ўз шахсий жавобгарлик мажбуриятлари ва вазифаларини холис бажариш принципал масалага айланмоқда. Чунки, жамоатчилик назорати сўзсиз фуқаролик жамияти институтлари зиммасига юкланадиган муҳим вазифа

⁵ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. т. I. Тошкент.: «Ўзбекистон». 2017. 141-б.

бўлиб, унинг кўзгуси эса шубҳасиз оммавий ахборот воситаларидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик жамиятининг очик ва шаффофлигига таъсир этиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожланишига кўмаклашиш, жамиятнинг турли қатламлари манфаатлари мувозанатини таъминлаш доирасида ОАВни эркинлаштириш бўйича рўй бераётган жараёнларнинг таҳлили ҳозирги туб бурилиш палласида ниҳоятда зарурдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига» куни муносабати билан 2018 йил 27 июнда йўллаган табригида: «Кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари ходимларининг демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва нуфузини, маҳаллий газеталар, теле-радиоканалларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг асосийси, матбуотда фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта», - деб таъкидлади.⁶

Фуқаролик жамияти асосий тамойиллари ҳамда ОАВга ёндашувлар муайян даражада бир хил бўлишига қарамай, улар ривожланишидаги ноёб хусусиятлар ва ўзига хосликка эътибор бериш лозим. Чунончи, хорижий адабиётларда ОАВ вазифаларини белгилашда унчалик мос келмайдиган ҳолатлар учраб туради. Қисман, бу фарқлар ОАВ вазифалари тавсифларининг кенгайтирилган даражаси билан боғлиқ бўлиб, ёрдамчи вазифалар мустақил тарзда ажратилади. Бу, ОАВ ёрдамида ҳал этиладиган у ёки бу ижтимоий масалаларнинг ҳозирги замон учун долзарблигини турлича тушунишга қараб белгиланади. Шу боис ҳам Ўзбекистон амалда демократик курилишнинг энг муҳим йўналишлари, жумладан фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши соҳасида етакчи мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фаоллик билан оқилона равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларига кўра, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Глобал ахборот макони шароитида фуқаролик жамиятини ривожлантириш тенденцияларининг янги хусусиятлари намоён бўлмоқда. Бундай шароитда фуқаролик жамияти институтлари, авваламбор ОАВ, ахборот тарқатиш, шунингдек қайта алоқа ўрнатиш учун янги технологик коммуникацион ресурсларга эга бўлади. Шундай экан, муҳими ОАВ фаолияти фуқаролик жамияти ривожланишининг динамикасини ўзида акс эттиради.

2. Фуқаролик жамияти жамоатчилик тузилмаси тури сифатида қатор ўзига хос белгиларга эга ва буларнинг барчаси унинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Ушбу жараёнларда ОАВнинг фаол иштироки Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ҳамда ривожланишини жиддий равишда тезлаштиради. Табиийки, ОАВнинг вазифалари фуқаролик жамияти ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқ равишда амалга ошади.

3. ОАВ фаолиятини муваффақиятли тарзда такомиллаштириш учун жаҳон стандарт талаблари асосида уларни цензурадан холи ҳамда молиявий-иқтисодий жиҳатдан етарли даражада шарт-шароит яратишга боғлиқ бўлади. Шундан келиб

⁶ Халқ сўзи. 2018 йил 28 июнь.

чиқиб, ННТ ва ОАВ фаолиятини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича мавжуд ёки янги тузилмалар ташкил қилиш ҳамда фуқаролик жамиятини маълум даражада давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда.

4. Мамлакатда фуқаролик жамияти ҳамда ОАВни ривожлантириш учун етарли даражада ҳуқуқий база шакллантирилган. Бироқ, ҳозирги янги Ўзбекистоннинг туб бурилиш шароитлари фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ соҳасида қонунчиликни янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Демак, асосий мақсад миллий қонунчиликни ОАВни дунёнинг юксак даражада ривожланган масс-медиа талаблари ва мезонлари даражасига кўтариш нуқтаи назаридан изчил такомиллаштиришга қаратилиши керак.

5. Фуқаролик жамияти тизимли равишда ривожланаётган ахборот сиёсатидан холи равишда тараққий эта олмайди. Лекин унинг фаол қисми - сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва бошқа ташкилотларнинг дастурий тамойиллари ОАВ ва давлатнинг ахборот сиёсатига таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини давлат ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ёки сиёсий партияларнинг ғоявий-сиёсий платформаларига нисбатан фуқаролик позициясини фаол ҳамда изчил илгари сурадиган фуқаролик жамиятининг субъекти сифатида қараш керак.

6. ОАВ ривожланган инновацион демократик жамият барпо этишнинг муҳим омили ҳамда Ўзбекистоннинг миллий ва маънавий қадриятлари асосида стратегик тараққиёт йўлини чуқур ҳис қиладиган ёш инноваторларнинг янги авлодини тарбиялашни долзарб вазифадир. Бу жараёнда фуқаролик жамияти қадриятларига хос этик (ахлоқий) корпоратив нормалар ва ушбу нормаларнинг амалга оширилиши устидан профессионал жамоат ташкилотларининг назоратини шакллантиришни ҳам тақозо қилади ва пировардида Ўзбекистон ОАВни очик профессионал ташкилотларга айлантириш, шунингдек миллий медиа муҳитда соғлом рақобатни шакллантиришдек мақсадни амалга ошириш имконини яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.S.01.08
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХАСАНОВ БАХТИЯР МАДАМИНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РОЛИ СРЕДСТВ МАССОВОЙ
ИНФОРМАЦИИ В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ ГРАЖДАНСКОГО
ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ**

23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по политическим наукам**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по политическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Siyos11.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (sf-ik.uz.) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Норматов Карим Норматович**
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Бекмуродов Мансур Бобомуродович**
доктор социологических наук, профессор

Мухаммадиев Улугбек Насриддинович
кандидат политических наук

Ведущая организация: **Независимый институт по мониторингу формирования гражданского общества**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.S.01.08 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Здание исторического факультета Национального университета Узбекистана, 1-й этаж, кабинет 110. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.

(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

Ш.И.Пахрутдинов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

А.Ташанов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.

А.Г.Муминов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях глобального информационного пространства тенденции развития гражданского общества обретают новые характеристики. Институты гражданского общества при эффективном использовании современного информационного пространства получают большие возможности для своей деятельности. В свою очередь масс-медиа, не ограничиваясь ролью поставщика новостей, оставаясь своего рода зеркалом процессов, происходящих в обществе, становятся действенным фактором поддержки, а также катализатора, стимулирующего инициативы гражданского общества. Свобода слова, доступ к информации – один из важнейших принципов демократического общества, предусматривающий деятельность масс-медиа, как одного из важнейших институтов гражданского общества.

В современном мире успешная деятельность гражданского общества, служит важным критерием демократичности страны. При этом неразрывной важной составляющей сильного гражданского общества являются средства массовой информации, уровень свободы которых хорошо коррелирует с уровнем развития демократии. По этой причине гражданское общество всегда уделяет большое внимание любым фактам ограничения свободы слова и последовательно борется с попытками цензуры в средствах массовой информации. Это, в свою очередь, предполагает разработку научной общественностью методов и технологий диалектического и конструктивного сотрудничества между средствами массовой информации и гражданским обществом.

Последовательно реализуемые процессы демократизации и либерализации, охватывающие все сферы общественного и государственного строительства в стране, поставленные новые задачи по модернизации всех сфер можно рассматривать в качестве незыблемости избранного пути формирования демократического правового государства, сильного гражданского общества и прорыва на новый уровень развития. Демонстрацией избранной линии, его программой практической реализации стала принятая по инициативе Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах»¹. В ней четко проговаривается необходимость практической реализации механизмов общественного контроля, усиления роли институтов гражданского общества и средств массовой информации. Процессы демократического обновления страны во многом изменили существовавшие ранее приоритеты строительства государственности и гражданского общества. Следовательно, изучение механизмов, способов, форм, а также эффективности взаимодействия политических институтов государства, гражданского общества и независимых масс-медиа, их взаимоотношений представляет актуальное, своевременное исследовательское направление.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». 2017 год 7 февраля. <http://www.president.uz/ru/lists/view/231>

Данная диссертация в определенной степени служит реализации законов Республики Узбекистан «О средствах массовой информации» (1997), «О принципах и гарантиях свободы информации» (2002), «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления» (2014), Указов Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» (2017), № ПФ-5148 «О дальнейшем совершенствовании управления в сфере печати и информации» (2017), № ПФ-5430 «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны» (2018), постановлений «Об образовании университета журналистики и массовых коммуникаций» (2018), а также и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением программы научных исследований развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное, культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Научно-методологической основой данного исследования послужили концептуальные идеи о формировании и развитии гражданского общества, роли СМИ в этом процессе, изложенные в трудах Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова², Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах, разработанная под руководством Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева³, положившая начало новому этапу развития страны, его указы и постановления, выступления и доклады.

Проблематика идеи гражданского общества, а также феномен общения между людьми, информационного обмена присутствовали в трудах ученых со времен Древней Греции. Вопросами информации и ее роли в общественном развитии, политическом управлении ученые занимались со времен Платона, Аристотеля, Цицерона и Абу Райхона Бируни. Идеи строительства справедливого общества занимали и великих мыслителей: Абу Насра Фараби, Абу Али ибн Сино, Алишера Навои, Захириддина Мухаммада Бобура и др. Большой вклад в исследование информации, роли дезинформации в манипулировании обществом внес Н.Макиавелли. Тема власти и основ гражданского общества исследована в классических трудах Г.Гегеля, Т.Гоббса, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, А.Н.Фараби.

